


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Хонқа туман маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бўлими” раҳбари



 **А.Абдуллаев**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

БУЮРТМАЧИ

Хонқа тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бўлими

Хонқа тумани маҳалла ва оилани қўллаб қуватлаш бўлими қарашли маҳаллаларга
исситиш радиаторларини ўрнатиш ва текшириш.

Хонқа туман 2022 йил

	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Хонка тумани маҳалла ва оилани куллаб куватлаш бўлими қарашли маҳаллаларга исситиш радиаторларини ўрнатиш ва текшириш.
2	Буюртмачи	Хонка тумани маҳалла ва оилани куллаб куватлаш бўлими
3	Бажарувчи	
4	Объект жойлашган манзил	Хоразм вилояти Хонқа тумани
5	Иш бошланиши ва тугалланиши	2022 март оyi, 2022 йил март ойигача
6	Маблағ манзили	Хонка тумани маҳалла ва оилани куллаб куватлаш бўлими
7	Алохида талаблар	Хонка тумани маҳалла ва оилани куллаб куватлаш бўлими қарашли маҳаллаларга исситиш радиаторларини ўрнатиш ва текшириш.
8	Танлов шarti	1) Махсулотларни ташиш хизматида техник хизмат кўрсатиш учун техникаси соз ҳолатда бўлиши лозим. 2) Олиб келинган радиаторларни айtilган жойларга ўрнатиб бериш керак. 3) Етказиб бериш ишларига жалб қилинган техникалар махсулотларга зарар етказмасдан етказиш махсулот параметрларига эътиборли бўлиш ва уларни топшириш хизмат қилувчи техникани тех паспорт, техник кўрикдан ўтган, суғурта қилинган, талабларга жавоб берадиган, 1-тоифали хайдовчи бўлиши шарт. 4) Хизмат кўрсатувчи махсулот берувчи ЯТТ МЧЖ ёки хусусий корхонанинг Устави, Гувоҳномаси, ИНН ва банк ҳақида маълумотлар асосий воситалар ҳаракати тўғрисида (01-китоб) бўлиши шарт. 5) Етказиб бериладиган махсулотлар талаб қилинган параметрларда бўлиши шарт маъқул келмаган ва параметрлари мос равишда тўғри келмаса махсулотлар қайтарилади махсулотларга маъсул шахс махсулот топшириш жараёнига бириктирилиши шарт.
9	Туловлар шarti	туловлар ҳисоб фактура орқали ойнинг 30 ёки 31 санасигача амалга оширилади.

Тасдиқлайман **Хонқа туман маҳалла ва оилани куллаб-куватлаш бўлими** раҳбари:



(Handwritten signature)

А.Абдуллаев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Хонқа туман маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бўлими” раҳбари



А.Абдуллаев

« » 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хонқа тумани 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

1.2 Танлов охирги қиймати 53 199 990 (эллик уч миллион бир юз тўққсон тўққиз минг тўққиз юз тўққсон) сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайда ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 2022 йил 31 декабрга кадар.

1.5 Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади аванс белгиланган % 30 %ни ташкил қилади.

1.6 Етказиб берилган маҳсулот радиоторлар бажарган иш ҳажмидан келиб чиқиб шартнома суммасидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади агар 2022 йил охиригача ҳисоб фактурага асосан бажарилган иш ёки етказилган маҳсулот суммаси шартнома суммасидан оз бўлса ҳам шартнома тўлиқ бажарилмаган деб ҳисобланади.

2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Хонқа туман МТБ (бундан кейин буюртмачи деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Хоразм вилояти Хонқа тумани Иморат кўчаси 1 уй

Эладрес: xonqamt@mail.uz

2.2 Танлов Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тарзда ўтказилади

2.3 Танлов Хонқа туман маҳалла ва оилани куллаб-куватлаш бўлими Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатда ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулот, иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 30% миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк қафолатномаси, ишлар хизматларни маҳсулотларни етказиш бажариш учун зарур бўлган меҳнат(ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов ишларига ўхшаш ишларни бажарганлик тажрибаси мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисида маълумот; Низом гувоҳнома маблағ миқдори устав фонд.

3.3 Агар танлов предмети бўлган маҳсулотлар ишлар хизматларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш, (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассасалик келишув, молиявий

иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлиги.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1 Иштрокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (Etendr.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва иштрокчи ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этишлари лозим:

Техник қисм Буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш хизматлар махсулотлар нархлари турма тур кўрсатилиши керак;

техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳранган ҳолда; техник ҳужжатлар рўйхати (Брошюралар, техник паспортлар ёки шунга ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4 Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;

-Тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига ва маълумотларнинг ҳақонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштрокчилар учун таалуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунига узайтирилиши мумкин;

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади;

5.3 Танлов муддатини узгартириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим;

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштрокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир;

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (товарни, ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўймайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади;

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан 2 иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак;

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан 3 иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади;

7.4 танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт;

7.5 танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ИЛОВА

Товар бошлангич нархлари

	Номи	Тури	сони	Дона Суммаси	Жами суммаси	Изоҳ
1	Алюминий радиоатор, ичида антифризли электрда ишлайдиган.	шт	270	197037	53 199 990	Радиатор для отопления Алюминий с разного вида цена указана за секцию Радиатор—первая биметаллическая модель глубиной 100 мм в линейке радиаторов.
2						
3						
4						
5						
6						
7						
8						
Жами сумма					53 199 990 сўм	

Сумма сўз билан (эллик уч миллион бир юз тўққсон тўққиз минг тўққиз юз тўққсон) сўм

Рахбар:



А.Абдуллаев